

Амударёning куи ўзанидаги кейинчалик Хива хонлиги пайдо бўлган худудда жойлашган Хоразм сугорма дехкончиликнинг фаровон ўлкаларидан саналарди. Сахро ва чўллар уни ташки оламдан узиб кўйган эди, бу холат эса Хоразмга узок вакт мобайнида мустакил сиёсат юритиш имконини берди. Хоразм Ислом тарихида хижрий 93 йилдан, Кутайба ибн Муслим етакчилигидаги араб фотихлари кириб келганидан эътиборан тилга олина бошлади.

Хижрий тўртинчи асрда Амударёning сўл сохилидаги Гурганж (Урганч) шахри катта иктисадий ва сиёсий ахамият касб этди. Ўша пайтда у Сибир ва Русия жанубидан чўллар оркали келадиган карвон йўлларининг сўнгги бекати эди. Маҳаллий Маъмунлар сулоласи хижрий 385 йили Афригийларни агдариб, ўзига “хоразмшохлар” унвонини олди. Аммо Маъмунийлар хукмронлиги узок давом этмади ва Хоразм расман Сомонийлар кўл остида колди. Хижрий 408 йили Маҳмуд Газнавий Хоразмни ўз салтанатига кўшиб олишга карор килди ва Маъмунийлар хукмронлиги нихоясига етди. Тахминан йигирма йилча Хоразмда газнавий хокимлар хукмронлик килишди. Хижрий 432 йили Исмоил Xандон ибн Олтинтош хокимлик килган вилоят ўгуз хукмдорларидан, Сирдарё сохилидаги Жанда шахри хокими Шоҳ Малик кўлига ўтди, аммо ўша йилиёк Шоҳ Маликни салжукийлар агдариб ташлашди ва Хоразмга ўз хокимларини тайинлай бошлашди. Хижрий 470 йиллар атрофида Ануштегин Жарчой Хоразм хокими этиб тайинланди. У салжукийлар султони Маликшоҳ саройида хаммомлар назоратчиси вазифасида эди. У салжукийларнинг газнавийларга карши урушида иштирок этди. Урушда одинига салжукийлар маглубиятга учрашди, кейинчалик эса, зафар козонишди. Бунда Ануштегиннинг хизмати катта эди. Султон Маликшоҳ миннатдорчилик рамзи сифатида унга Хоразм хукмронлигини топширди. Ануштегин Хивада ўз вазифасини бажаришга киришди ва умри охиригача хокимлик килди.

Хижрий 490 йили у вафот этганидан кейин хокимият киска муддатга турк волийларидан Эқинчи ибн Кўчкор кўлига ўтди. Кейинрок вилоят хокимлигига Ануштегиннинг ўғли Кутбиддин бош бўлди. У тадбирли киши эди, шу боис салжукийлар султони Берка Ярук уни Хоразм хокимлигига колдириб, уни шоҳ унвони билан шарафлади. Хуросон устидан назорат салжукийлардан Санжар кўлига ўтгач, у хам Кутбиддиннинг ваколатини тасдиклади.

Унинг хукмронлиги даврида Мовароуннахрда Самарканд хокими мусулмон динига тўгри келмайдиган ёвузликларни килди. Шунда у кўлга олиниб, козилар маҳкамасига тортилди ва ўлим жазосига хукм килинди.

Хижрий 521 йили Кутбиддин ўрнини унинг ўғли Отсиз эгаллади. У бошда отаси сиёсатини давом эттириди, кейинчалик эса салжукийларга карамликдан кутилишга интила бошлади. Султон Санжар уни тахтдан четлатди, аммо кўп ўтмай Отсиз Хоразм устидан хукмронликни кайта кўлга олди. Хукмронлигининг охирги йилларида у кудратли подшохга айланди, унинг хукмронлиги Форс ва Хузистондан ташкари мусулмон дунёсининг бутун шаркий ўлкаларига ёйилди. Отсиз вафотидан кейин хижрий 551 йили унинг ўғли Ил-Арслон хокимиятга келди. Унинг хукмронлиги даврида давлат чегаралари аста-секин кенгая борди, Хоразм осойишта ва гуллаб-яшнаган диёрга айланди.

Хоразмшохлардан Ил-Арслон хижрий 567 йили вафот этди.

Хукмдор вафотидан кейин тахтга унинг норасида ўғли Султоншоҳ Мухаммад ўтириди.

Унинг онаси ўғли номидан мамлакатни бошкарди. Лекин ўша йилиёк Мухаммаднинг акаси

Муаллиф:

08.03.2014 18:11 -

Алоуддин Текеш Хоразмда хокимиятни кўлга олди. Хижрий 590 иили салжукийларнинг Ирокдаги давлатини тугатди, сўнгги салжукий султон Тўгрул Иккинчи ўлдирилди. Хижрий 596 иили Текеш ўрнини унинг ўгли Алоуддин Мухаммад эгаллади. 605 иили у Хиротни эгаллади ва гурийлардан Гиёсиддин Махмуд билан жанг килди. Махмуд маглубиятга учраб, ўлдирилди. Шундан кейин Мухаммад Мовароуннахр шимолидаги Хатига бостириб бориб, махаллий кабилаларга какшатгич зарба берди. 611 иили у Кирмон, Мижрон, Синдни эгаллади, 612 иили эса Газнани кўлга киритди.

Ўз давлати чегараларини хийла кенгайтириб олган Алоуддин Мухаммад Ислом оламида бир вактлар салжукийлар эгаллаган мартабага даъвогар эди. У халифа Насрдан алоҳида маком талаб килди, бирок у Мухаммаднинг талабини кондиришдан бош тортди. Шунда Мухаммад ўз мамлакатида аббосий халифа Наср номини хутбага кўшиб ўқишни тақиқлади, шиаликни кабул этганини эълон килди ва Али ибн Абу Толиб авлодларидан бирини халифа деб тан олди. Шундан кейин у халифа Насрга карши юриш бошлади, бирок Багдодгача етиб боролмай, ортига кайтди.

Айнан Алоуддин Мухаммад олдинига мўгул савдогарларни, кейинрок Чингизхон элчиларини ўлдиришга фармон бериб, мўгулларнинг бостириб киришига сабабчи бўлди. Шу сабабдан мўгуллар боскини бошланиб кетди ва бу нафакат хоразмшохлар давлати, балки бутун Ислом оламига катта фожиага айланди. Алоуддин Мухаммад мўгулларни тўхтатиб кололмади ва улар Хурсонга бостириб киришди. Хоразм шохи Каспий денгизидаги ороллардан бирига кошишга мажбур бўлди ва хижрий 617 иили ўша ерда вафот этди. Унинг ўгли ва меросхўри Жалолиддин Мангуберди хам у билан кочди, Орадан икки йил ўтиб Хоразмга кайтиб келди ва мўгуллар билан жанг килди. Аммо маглубиятга учради ва колган-кутган аскарлари билан Хиндистонга кочди. Бу гар мўгуллар уни таъкиб килишга тушди ва Жалолиддин аскарларидан кўпи Хинд дарёсида чўкиб кетди.

Кейинчалик Жалолиддин Мангуберди Хоразмга кайтиб, Гурганжни эгаллади. У барча мусулмон хукмдорларни мўгулларга карши бирга жанг килишга чорлади, аммо улар саркарда даъватига жавоб килишмади. Шуни хам айтиб ўтиш керак, Жалолиддининг ўзи укаси Гиёсиддин, аббосий халифа, Кирмон хокими ва туркманлар билан душманлик кайфиятида эди.

Орадан кўп ўтмай, Жалолиддин яна мўгуллардан енгилди ва яна кошишга мажбур бўлди. У хижрий 629 иили Курдистонда бир дехкон томонидан ўлдирилди. Хоразмшохлар ушбулар эди: Алоуддин Отсиз (521/1127-551/1156); Абул Фатх Ил-Арслон (551/1156-567/1172); Алоуддин Текеш (567/1172-596/1200); Алоуддин Мухаммад (596/1200-617/1220); Жалолиддин Мангуберди (617/1220-629/1231).

Ойдин Ориф ўгли АЛИЗОДА,
фалсафа фанлари доктори (Боку).